

Коронавирус: Ўзбекистон, яқин хориж ва жаҳондаги вазият, 27 апрель
(инфографика)

КОРОНАВИРУС (COVID-19)

27/04/2020, 01:30



Ўзбекистон

1869

1072

789


8

26 апрель

57,3% 42,2% 0,43%


ДАВОЛАНИШДА СОҒАЙГАНЛАР ВАФОТ ЭТГАНЛАР

Коронавирус динамикаси
(15.03.2020 - 26.04.2020)



Яқин хориж

27/04/2020, 00:30




АҚШ + ТОП-5

27/04/2020, 00:30

КОРОНАВИРУС АНИҚЛАНИШИ


977 630

896 364



Жаҳон

27/04/2020, 00:30



Бугун, 27 апрель — мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганининг 44-куни.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 26 апрель соат 18:00 да берган [маълумотга кўра](#), мамлакатимизда коронавирусни юқтирганлар жами сони 1869 нафарга етди: 789 нафар бемор соғайиб кетган, 8 нафари вафот этган.

26 апрель санасида Ўзбекистонда коронавирус 7 кишида аниқланди — сўнгги маротаба бундай паст (яхши) кўрсаткич 30 март куни қайд этилиб, 5 киши касалликка чалинганлар рўйхатига киритилганди.

Ўзбекистонда даволанишда бўлган беморлар сони 20 апрелда энг юқори чўққисига чиққанди — 1361 нафар, шундан бери пасайиш тинмай давом этиб, уларнинг умумий сони 1072 нафарга тушди.

«Worldometers» [маълумотларига кўра](#), собиқ иттифоқ мамлакатларида энг ёмон вазият Россия ва Беларусда, Россия кунлик аниқланаётган беморлар сонига кўра фақат АҚШдан кейин иккинчи ўринда турибди, минтақада вирус хавфи нисбатан «энг кам туюлган» Беларусда эса вақтида чекловлар қўлланмаслиги оқибатида коронавирусга чалинганлар сони бугунга келиб 10 минг нафардан ошиб кетди, беларуслар кунига энг кўп касаллик аниқланаётган мамлакатлар қаторига чиқиб олди.

Дунёдаги энг улкан коронавирус ўчоғи — АҚШ 1 миллионлик хавфли довонга жуда яқин қолди — штатларда 977 мингдан зиёд инсон янги турдаги коронавирусни юқтирган.

Эслатма: айрим рақамлар сониясига янгиланиб турган глобал манбалардагидан фарқланиши мумкин — коронавирус жуда тез тарқамоқда.

2020-04-27 06:20:17